



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 47 (9793).

1990 йил 8 март пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА!

Азиз хотин-қизлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни умумий ёрқин баҳор байрамимиз — Халқаро хотин-қизлар кўни 8 март билан самимий табриклайди.

Сизлар оила ва фарзандлар тўғрисида, мамлакатнинг ва бутун сайёранинг фаровонлиги ҳақида тинмай гамхўрлик қилмоқдасизлар. Аёл, она қалби — жамиятимиз турмушида оғир синов кунларида ҳам, тинч меҳнат кунларида ҳам мустаҳкам маънавий таянчлардан биридир.

Хотин-қизлар жамиятимизни тубдан қайта қуришни мураккаб даврда барча янгиликни жараёнларида фаол ва самарали иштирок этмоқдалар. Бунинг учун сизларга ташаккур! Айни пайтда мамлакат бугунги кунда бошидан кечираётган қийинчиликларнинг анча қисми сизларнинг зиммангизга тушмоқ-

да, сизларнинг кундалик ташвишларингизни қулайтирмоқда. Партия Марказий Комитети бунга англаб, реал вазиятни ҳақлиқ турбид ҳамда навбат кутишларга ва моллар тақчиллигига, оғир қўл меҳнатига ва турмуш нуқулликларига тезроқ барҳам берилиши учун, совет хотин-қизларининг маънавий имконияти тўлароқ намоён бўлиши ва жамият турмушининг барча соҳаларида қўлланилиши учун ҳамма ишларни қилади, деб сизларни ишонтиради.

Табиатнинг ўзи аёлларга бебаҳо тўхта — тинчлик посбони бўлишдек тўхта инъом этган. Ғазабон кишиларни жаҳлдан ишорини, шафқатсиз қалбларни юмшатиш зарур бўлган пайтларда ҳамма аёл мададор бўлган. КПСС Марказий Комитети мамлакатда миллатлараро муносабатларни бартараф эттишда, мулоқот ва граждандар тотувлигини сақ-

лаб қолишда сизларнинг мададингизга умид боғлайди.

Сайёрамизда умуман муҳолифлик ўрнини аста-секин мулоқот, ишонч, ҳамкорлик эгаллаётганида ҳам совет хотин-қизларининг шубҳасиз хизмати бор. Аёлларнинг меҳр-муруватга асрий интилишини, уларнинг инсонийлиги ва меҳрибонлиги ҳақли равишда халқаро кескинликни юмшатишга, қуролсизланиш жараёнига муқаррар тус беришда, жаҳонда янги-янчи, чинакам инсонпарвар тафаккурни мустаҳкамлашда ёрдам бераётган руҳий омилар қаторига қўшиш мумкин.

Азиз хотин-қизлар!
Сизларга, оилаларингизга, барча ёр-дўстларингизга чин қалбдан сўхат-саломатлик, эсон-омонлик, бахт-саодат тилаймиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.



ҚАЛБИНГИЗ КЎРИДАН БАХРАМАНД БЎЛИБ

Баҳор бошланиши билан ёрқин байрам — халқаро хотин-қизлар кўни 8 Март келиди. Бу сайёрамиздаги барча хотин-қизлар байрамидан бирдамлигининг байрами. Жамиятимизда жўшқин инқилобий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги вақтда хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда сиёсий ҳаётга фаол аралашмоқдалар, уларнинг тинчлигини, табиатини, оналик ва болалиқни ҳимоя қилишга қаратилган сўзлари турли минбарлардан, мамлакат халқ депутатлари съезди минбаридан баралла янграмоқда.

7 март кўни Тошкентда шохар жамоатчилигининг 8 Март кўнига бағишлаган тантанали йиғилиши бўлди. Чиройли қилиб безатилган А. Навоий номи давлат академик опера ва балет катта театрига партия, меҳнат ва уруш ветеранлари, меҳнат коллективлари, зиёлиларнинг вакиллари меҳнаткеш аёлларга, мушфиқ оналарга чин дилдан ташаккур айтгани келиши.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Тошкент шаҳар Со-

ветининг раиси А. И. Фозилбеков очди.

«Саодат» журналининг бosh муҳаррири Х. У. Худойбердиева доклады қилди.

Доклада хотин-қизлар ҳаракати жамиятнинг прогрессив ривожлантиришининг қудратли омил эканлиги таъкидланди. Аёллар мамлакатимизда бўлаётган демократик ўзгаришларда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданиятимиз ривожига қўшаётган ҳиссалари салмоқлидир. Ўзбекистонда минглаб аёллар — шифокорлар, муаллимлар, олимлар, санъат арбоблари меҳнат қилишмоқда.

Лекин, қайта қуриш жараёни жамиятимизда қўллаб-қувватлаш талабларини қўллашнинг кўрсаткичи бўлиши керак. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳақли талабларини қўллашнинг кўрсаткичи бўлиши керак. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳақли талабларини қўллашнинг кўрсаткичи бўлиши керак. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳақли талабларини қўллашнинг кўрсаткичи бўлиши керак.

қизлар меҳнати, турмуши ва дам олиш шароитларини яхшилаш учун ҳали кўп ишлаш керак.

Масалаларнинг кенг доирасини ҳал этишда хотин-қизлар кенгашлирининг аҳамияти жуда катта. Ҳозир ҳамма ерда шундай кенгашлар тuzилган, улар хотин-қизлар ҳуқуқлари учун фаол курашмоқдалар, ушбу келаятган авлоднинг ватанга муҳаббат, турли миллат кишилари ўртасида ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга кўмаклашишлари мўҳимдир.

Совет хотин-қизлари тинчлик учун, қуролсизланиш учун курашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Хотин-қизларга ва уларнинг фарзандларига муваффақият осмон керак. Ўзбекистон хотин-қизлари барча совет халқи билан биргаликда КПСС XXVIII съездининг муносиб кутуб олиш учун ҳозирлик қўрмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликчи номзодлари Д. Д. Берков, А. С. Ефимов, М. И. Иброҳимов, М. М. Мирқосимов, Ж. Ҳамидов, А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

БУГУН 8 Март — муътабар онахонларимиз, азиз опа-сингилларимизнинг қутлуғ байрами. Барчамиз уларга анвойи туллар тутиб, шонли айём билан чин қалбдан қўтлаймиз, муборакбод этамиз!

Суратчи А. ЗУФАРОВ.

(Вилотиямиз хотин-қизлари ҳаёти ва меҳнатидан, ўй ва ороуларидан ҳикоя қилувчи материалларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

ОНАСИЗ, МУРАББИЙСИЗ!

Тошкент политехника институтининг профессор-ўқитувчилар коллективининг халқаро хотин-қизлар кўнига бағишлаган йиғилиши Ҳамза номи Ўзбек давлат академик драма театрида бўлиб ўтди.

Студентларга таълим бераётган ўқитувчиларнинг каттагина қисмини аёллар ташкил этади. Байрам арафасида уларга бир қатор иштироқлар берилди. Эндликда шабаба ҳам аёл ўқитувчилар учун дам олиш кўни деб эълон қилинди. Бундан ташқари ёлтиқоналарда навбатчилик қилишдан ҳам улар овоз этилдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан институт партия комитети котиби А. Ортиқов, хотин-қизлар кенгаши раиси Х. Файзи-

боева, профессор Т. Мирқосимов ва бошқалар малакали кадрлар тайёрлашда ўқитувчи олимлар қўшаётган ҳисса ҳақида, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш йўлида қўйилган чоралар тўғрисида гапирдилар, аёлларни қутлуғ айём билан муборакбод этдилар. Фаол хотин-қизлар фахрий ёрликлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Кеча охирида «Абдулла Қодирийнинг ўлган кунлари» спектакли намойиш этилди.

Шундай тантанали йиғилишлар вилотиямизнинг барча меҳнат коллективларида бўлиб ўтди.

У. МАНСУРОВА.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

1990 йил 7 мартда Ўзбекистон биринчи қаҳриқ халқ депутатлари вилот Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия бошланиши олдидан Совет партия группасининг мажлиси бўлди. Мажлиси вилот партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов очди.

Партия группаси мажлиси сессия кун тартибининг маълумлади.

Шунингдек, мажлисда Совет партия группасининг 1990 йилги иш режаси тасдиқланди.

Сессияни депутат Н. Насимов очди. Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

Сессия мажбурият комиссиясининг Ўзбекистон биринчи қаҳриқ халқ депутатлари вилот Советига янги сайланган депутатлар ваколатини эътироф этиш тўғрисидаги матрузасини тинглаб, комиссия қарорини тасдиқлади.

С. М. Мамарасулов халқ депутатлари вилот Советининг раиси, А. А. Ўлдошев раис муовини қилиб сайландилар. Шунингдек, сессия вилот Совети президиумини таъсис этди ва унинг составини тасдиқлади.

А. А. Ўлдошев вилот Совети раиси ўринбосари қилиб сайланганлиги муносабати билан вилот партия комитетининг котиби бўлиб ишлаб келган С. Д. Сайдалиев халқ депутатлари ви-

лот Совети ижроия комитетининг раиси қилиб тасдиқланди.

О. Г. Айданов ва Н. И. Гусакوف ижроия комитет раисининг биринчи ўринбосарлари, Д. Н. Жаҳонгирова, Л. П. Тернових ва Т. И. Ўлдошев раис муовинлари қилиб тасдиқландилар.

Сессия вилот Совети ижроия комитетининг ишлар бошқармасини таъсис этиб, Т. М. Мирқосимовни шу бошқарма бошлиғи қилиб тасдиқлади.

Сессияда ижроия комитет тузилади, унинг бўлимлари мудири ва бошқармалари бошлиқлари тасдиқланди.

Вилот район (шаҳар) халқ суди раислари ва халқ судьялари, вилот судининг халқ маслаҳатчилари сайланди.

Бош давлат арбитри тайинланди ва вилот давлат арбитрлари тасдиқланди.

Сессия Н. Насимовни «Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳаррири, Н. Я. Ковалевни «Ташкентская правда» газетасининг муҳаррири қилиб тасдиқлади.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Сессияда Ўзбекистон ССР Ноҳиялар Кенгашининг раиси М. М. Мирқосимов иштирок этди.

(Сессияда кўрилган ташкилий масалалар юзасидан тўла маълумот газетанинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).

СЕССИЯ ЎЗ ИШНИ ТУГАТДИ

7 март кўни янги қаҳриқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси Ўз ишнини тугатди. Унда барча депутатларнинг куз-гайратларини қандай қилиб яхшироқ билишлари, икки миллион аҳоли яшайдиган шаҳар турмушининг барча соҳаларида қайта қуришни жадаллаштиришдек асосий мақсадга эришиш хусусида амалий қизқарлик сўхбат бўлди.

Сессия ишнинг иккинчи кўнида шаҳар Советининг доимий комиссиялари тузилади ва сайланди, бошқа ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Депутатлар шаҳар Советининг бу йилги иш режаларини тасдиқладилар.

(ЎЗАТА).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Тошкент шаҳрининг Киров районида ўн болани туғиб, тарбиялаган ўй бекаси Ф. П. Сатторовга «Қаҳрамон она» унвони берилди, у «Қаҳрамон она» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистонликлардан тўрт кишига СССР Олий Совети Президиуми номидан «Енгинда жасорат кўрсатганлик учун» медали топширилди. Улар орасида ёнгина вақтида болаларни қутқариб қолган Тошкент «Геологоразвед-

ка» тажриба-экспериментал заводининг тоқари Б. Б. Холмунинов бор.

Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларининг республика фахрий унвонларига Саавов бўлган бир гуруҳ ходимларига гувоҳномалар ва тегишли кўрақ нишонлари топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ёрликлари ҳам топширилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бутров мукофотларини таънавали вазиятда топширди.

(ЎЗАТА).

ЯНА 1000 ТОННА ТАЙЁРЛАНАДИ

ЭКИНЛАРДАН олинган ҳосилнинг салмоғи, сифати айни кунларда дала-ларда амалга ошириладиган ишларнинг маромида ўтказилишига боғлиқдир.

Йилги ўн ноҳиясидаги Калинин номи колхоз деҳқонлари ўз тажрибаларидан бунинг жуда аҳли билдилар. Шунинг учун ҳам улар қўллаган экин мавсумига ҳар икки ҳафтадан пухта тайёрларлик қўришга ҳаракат қилдилар. Хўжалик кўп тармоқлидир. Бу йил салкам 600 гектар майдонда пахта етиштирилади. Техника тайёргарлик чизмега келтириб қўйилган. Етарли миқдорда С—48—80 нав пахта уруғлини келтирилган.

Кузда шудгорлаб қўйилган даладарни картограмма асосида озиклантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Ана шу мақсадда ҳозиргача даладарга 2,5 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Режа бўйича яна минг тонна ўғит тайёрланади. Бу иш билан махсус бригада аъзолари шугуллан-

моқдалар.

Бундан ташқари, хўжаликда эртаги сабзавот етиштиришни ўтган йилдан қўллайтириш тадбирлари қўрилди. Бу йил 25 гектар ерга қарам экилади. Иссиқхонда етарли миқдорда қўчат тайёрланди. Ҳозиргача биринчи, иккинчи, олтинчи бригадаларнинг даладарига 4 гектар майдонга қарам қўчати экилади. Шунингдек 70 гектар майдон картошка учун акрилган эди. Ҳозир бу даладар инзел — солиниб тайёрлаб қўйилмоқда.

Хўжаликда 44 гектар ерда помидор экин мўлжалланган. Ҳар бир бригада ўзининг иссиқхонасига эга ва у ерда етарли миқдорда помидор қўчатлари тайёрланмоқда. Қўнлар исби, тупроқ етилиши билан расад қилиб қўйилган қўчатлар далага чиқариб экилади.

Колхоз деҳқонлари бу йил пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.



Коммунистик ноҳиясидаги пахта тозалаш заводининг 2-бригадасида қўлаб ишлаб чиқариш илгорлари меҳнат қилдилар. Улар иш нормаларини мунтазам ошириб бажариб, истеъмолчилар билан тузилган шартнома мажбуриятларининг муваффақият билан бажарилишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Суратда: бригаданинг пешқадам ишчилари Т. Салқибоев (чадан) ва З. Умировлар иш устиди.

М. МАХМУДОВ суратга олган.

Диққат, диққат...

ЯНГИ НАВЛАР

СЎНГИ йилларда Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида пахта-нинг янги навларини яратиш бўйича кенг қўлама иш олиб боришмоқда.

Хусусан, 1989 йилдаёқ институт олимлари томонидан тавсия этилган С-9070 ва С-6524 навлари бир қатор колхоз ва совхозларда экилиб, юқори ва сифатли ҳосил олинди. 1990 йилда бу навлар жумҳуриятимиз ноҳияларида ҳамда қардош Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон ва Қирғизистон жумҳуриятларининг пахта-чиликка ихтисослашган хўжаликларидан кенг қўлама экин режалаштирилмоқда.

Бу борадаги тажрибаларни давом эттираймиз, — дейди институт директори, биология фанлари номзоди А. Эгамбердиев. — Биз асосан пахтакор хўжаликларга ҳар хил касалликларга, айниқса, вилта чидамли ҳамда толаси сифатли бўлган навларни тавсия этишимиз. Утган йил тажриба участкаларида экилган «Наманган» нави ҳам ўзини оқлади. Шу бу йилнинг ўзидаёқ Тошкент ва Наманган вилотларида 30 минг гектар майдонга ғўзанинг ана шу нави экилади. Булардан ташқари С-6530, Наманган-77 ҳамда С-4908 нав пахталарини уруғлари қўлпайтирилмоқда.

Дарҳақиқат, институт олимларининг бу борада олиб бораётган тажрибалари сўнги йилларда яхши самара бермоқда. Хусусан, 1989 йилда экилган С-6524 ва С-9070 навларидан 49 миллион сўм фойда олинди. Аммо ўрни келганда шунини айтиб ўтиш керакки, мутахассисларимизнинг пахта уруғчилиги ва янги нав яратиш бўйича олиб бораётган тажрибалари ҳали пахтакорларни тўлиқ қондирмапти. Буни олимларимиз ҳисобга олишлари керак.

Х. ОМОНОВ.

ЮҚОРИ БОСИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Албатта, ҳар бир технологиянинг ўз афзалликлари, фойдаси ва қулайлиги бўлади. Шу жиҳатдан, юқори босимлар технологиясига ёндасак қандай хулосалар келиб чиқади, деган саволнинг тугилиши табиий албатта. Бу саволга Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси материалларига таянган ҳолда жавоб берадиган бўлсак, технология афзалликлари ресурсларни тежаш, жараёнлар тезкорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнининг юқорилигини, кичик ҳажмдаги энергия сирғими, инкиламчи материаллардан фойдаланиш имконияти яратилиши ҳамда тежамкорликда қўрилади.

Ушбу технология асосида «Ташсельмаш» заводида 6002 рессор-пружинали пўлатли термомеханик қайта мустаҳкамлаш жараёнини тadbир этиш мўлжалланмоқда. Бундай асосда олинган намуналар ўзининг пишиқ эксплутацион хусусияти билан ажралиб туради.

Статистика ва илмувелеи юқори босим материалларини синтез қилиш, лангандлаш, мустаҳкамлаш, шакл ҳосил қилиш ва ихчамлаштириш жараёнларини амалга оширишга имкон беради. Ҳозирда бу борада ҳам катта таъбирларлик, ундан фойдаланиш учун қорхоналарда шарт-шароитлар яратиш ишлари олиб боришмоқда.

Д. ҚАЮМОВ.

БУГУН—ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ.

БАЙРАМ КЕЛДИ БИЗНИ СЎРОҚЛАБ

Бугун 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни. Илк баҳор кунларини тарафдорчи бу байрамга халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг ташкили намояндаси Клара Цеткин асос солган эди. 1910 йилда бўлиб ўтган халқаро социал хотин-қизлар конференциясида у ҳар йили халқаро хотин-қизлар кунини ишонлаб боришни тақдир этди. Шу тақдир асосида 8 Март хотин-қизлар кунини ҳимоя этиш, уруш ва қашшоқликка қарши, порлоқ ҳаёт учун кураш, оналар ва болалар осойишталигини муҳофизат этиш рами сифатида ишонлаб келинмоқда.

8 Март нури бирча қитъалар қатори маълум Шарқ аёллари йўлини ҳам нурафшон этди. Бу нур «Хужум» ҳаракатига қудратли куч бахш этди, минг-минглаб мушфиқ оналаримизни, доно ва эзика аёлларимизни қора зулмат қатъридан ёруғликка олиб чиқди. Хозирги авлод вакиллари «Хужум» ҳаракати қадирғочлари — Тўрақон Иброҳимова, Шамсуннаҳор Ғойибжонов, Тоҳирон Шодиева, Собира Холдорова каби эрксевар, доворак аёлларимиз номини ҳамназа ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар, улар руҳи олдиди таъзим бажо келтирадидлар.

Қаҳрамон хотин-қизларимизнинг ўчмас номи тарих зарварларига бир умрга муҳрланиб қолган. Немис-фашист босқинчиларига қарши қизгин жанглар бошланган кунларда 3 мингдан ортиқ ватанпарвар хотин-қиз ҳаракатдаги армияга жўнатиш илтимос қилди. Улар орасида Зебо Ғаниева, Елена Степановна, Раҳима Аҳмедова, Муҳаддас Ашрапова каби довораклар бор эди. Жангларда улар кўрсатган жасорат дилларда дoston бўлди.

Хотин-қизларимиз янги жаҳмиёт қурлишининг барча жаҳаларида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Хозирги қайта қуриш даврида ҳам улар катта сивондан ўтмоқдалар. Қайта қуриш аёллар ҳаёти билан боғлиқ кўпгина ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш зарурлигини намоян этди.

Бугунги кунда ҳаётимизда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар бизни гўл қувонтирмоқда. СССР Нозирлар кеңашини ва ВЦИСПнинг «Еш болали оналар» отпускисини узайтириш тўғрисидаги қарори ижтимоий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Энди оналар бола уч ёшга тўлгунча отпускани давом эттириш ҳуқуқига эга бўлидилар. Бу давр меҳнат стажига тўла қўшилиди. Ўзбекистонлик СССР Халқ депутатлари талаби билан бу қарорининг амал қилиш муддати ярим йил олдинга суриди. Ўзбекистонлик оналар шу йилнинг 1 июлидан бошлаб қарорда қўзда тутилган имтиёздан баҳраманд бўлидилар.

Жумҳуриятимизда қам таъминланган оналарнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш бўйича ҳарамат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Шу дастурга биноан 1990 йилдан бошлаб бошлангич синф ўқувчиларига бепул ноушталар берилипти. Комилдор аёллар сервизининг махсусотлар билан имтиёз-

ли тарада таъминланмоқдалар. Қишлоқдаги боғча-ясилларга эътибор кучайди. Давлат корхонаси (бирлашма) тўғрисидаги қонунга биноан уларга тўла хўжалик ҳисоби шартотида ишловчи оналарга қўшимча ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилди. Бугунги кунда 800 та колхоз, 50 та совхоз ва 85 та саноат корхонаси шу ҳуқуқдан тўла фойдаланмоқда.

Ҳар бир онага 25 сотихдан томорқа акратини бўйича белгиланган тадбирлар ҳам оналар фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Меҳнатқашлар эндиликда ўзлари учун етарли миқдордаги махсусотларни томорқа хўжалиқдан олаверадилар. Эҳтиёждан ортигини эса бозорга чиқариб сотадилар.

Кўпгина корхона ва хўжалиқларда ишловчи аёлларнинг иш ва турмуш шартотида яхшилаш юзасидан аниқ мақсадли кўлаб иш олиб боришмоқда. Ижтимоий-сўғурта бюджетидан соғломлаштириш тадбирлари учун ҳар йили 60

юмушлари ва меҳнатдан ортиган оналарга бола тарбияси билан шугуллана олишади. Болалар тарбияси кўп жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги учун ҳам жиноятлар кўпаймоқда, нотинчликлар авжига минмоқда.

Фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш қўлимиздан келади. Ўлкаимизда соғлом кучлар оз эмас. Бу ўринда аввало коммунистларга таълимимиз керак. Коммунистларнинг 178 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Улар ҳар учта партия ташкилотининг бирига бошчилик қилапти. Жумҳурият қасаба уюшмалари таркибининг 47 фоизини ҳам аёллар ташкил этди. Хотин-қизлар орасида 83 академик, мухбир-аъзо, профессор, 135 фан доктори, 4110 фан номзоди бор. Агар бунга мафкура, халқ маорифи тармоқларида меҳнат қилаётган Фидокор хотин-қизларини ҳам қўшсан, жаҳмиёт қанчалик қудратли кучга эга эканлигини аққол ҳис этиш қийин эмас.

Хотин-қизларимиз янги ҳаёт учун курашининг онг оғри йилларида ҳам ўзларини чекина олмаганлар. Улар қаҳрамонликлари, фидокорликлари билан эл-юрт ҳурматини қозонганлар. Хотин-қизларнинг 78 мингдан ортиқ ҳуқумат орден ва медалларига сазовор бўлган. 110 дан ортиқ аёл Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир.

Лекин кейинги йилларда жумҳурият раҳбар ходимлари орасида хотин-қизларнинг бир қадар қамайиб бораётганлиги афсусланарли ҳолидир. Улар ҳозир 11,5 фоизни ҳам ташкил этишмапти. Хотин-қизлар масаласини давлат миёсидега ҳал этмоқ учун уларнинг давлат ишларидаги иштирокини кенгайтириш керак деб ўйлаймиш. Шу жиҳатдан олганда СССР халқ депутатлари биринчи съезиде хотин-қизлар муаммосини мамлакат миёсидега ҳал этиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган. Шу асосда СССР Олий Советининг хотин-қизлар иш, оналик, оналик ва болалиқни муҳофизат этиш Комитетлари тўзилди. Шундай номда СССР ва жумҳурият Нозирлар кеңашларида махсус бўлимлар ташкил этилди. Бу ҳол гапдан амалий ишга ўтиш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар бўлди. Энди барча соғлом кучларни бirlаштириб қабул қилинган ҳаётбахш қарорлар ижросини таъминлаш чораларини кўрмоғимиз керак.

Жумҳуриятимиз хотин-қизлари жаҳмиёт янгилаш йўлидаги ишловчиларни дадил амалга ошираётган Коммунистик партияга катта умин билдирмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съезидеги Ҳарамат дастури лойиҳаси ва йўналишида муҳим амалий қадам бўлди. Лойиҳада олға суриданган гошлар инсонпарварлик руҳи билан суғорилганлиги учун ҳам биз партия туган йўлини қўллаб-қувватлаверамиз.

Дилором АЛИМОВА, тарих фанлари номзоди.



БУГУН байрам — барча она-сингилларимиз чехрасида қувноқ табассум. Суратчи А. ЗУФАРОВ.

ЖАМИЯТ ВА АЁЛЛАР

ЭЛ МЕҲРИДАН БАҲРАМАНД

БУГУНГИ кунда вилоятимиздаги меҳнатқаш хотин-қизларга, кўп болалар ва ёлғиз оналарга, кескаларга қандай иқтиёзлар яратилган? Жойларда улар меҳнат қандай қарлаганида? Мухбиримиз З. ЖўРАЕВАНING бу саволларига вилоят социал таъминот бошқармаси бошлиғи В. Д. ЭРҒАШЕВ қуйдагича жавоб берди:

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съезидеги Ҳарамат дастури лойиҳасида хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шартотида яхшилашга доир жуда катта тадбирлар амалга ошириш қўзда тутилган. Қисқартirilган иш кунини жорий этиш, аёлларга қўлай график асосида ишлаш ҳуқуқини бериш, ҳомиладорлик ва болага қараш учун берилган ортиқ қисман бўлса-да, енгиллаштиришга ҳарамат қилаётганликларига қувончли ҳолидир. Бу иш айнасида, Тошкент районидаги К. Маркс номи колхозда яхши йўлга қўйилган. Колхоз кам даромадли юз онага нафақага қўшимча ҳақ тўламоқда. Утган йилнинг июль ойидан бошлаб — кам даромадли она фарзандларига олдатдан 12 сўм ўрнига 17 сўмдан тўлаш йўлга қўйилган эди. Январ ойидан эса бу сўмга 25 сўмга етказилди. Хўжалиқда фарзанди 1,5 ёшга тўлгунча қадар 35 сўмдан нафақа бериш ҳам амалда жорий этилмоқда.

Хозирги кунда вилоятимизда 10 мингга яқин она тақдир тақозоси билан фарзандларини ёлғиз ўзи тарбияламоқда. Ҳуқуқимиз бундай оналар учун алоҳида гамхўрлик кўрсатмоқда. Ёлғиз она ҳар бир фарзанди учун 20 сўмдан нафақа олапти. Биргина ўтган йилнинг ўзида жойлардаги социал таъминот бўлимлари алиментдан қочиб юрганларнинг фарзандлари учун 63 минг сўмдан кўп пул тўлади.

Бола-чақанинг роҳатини кўр, деб тилак билдирадидлар. Бу ҳикматли сўзлар замирида чучук маъно бор. Кейинги пайтларда кишилар орасида меҳр-оқибатнинг танқислашиб бораётганлиги таъкидланапти. Шунинг билан ҳам қўшимча сўзлар қўйилди. Фарзанд, фарзанди эса онадан тоқмоқда. Қўздан нури, белдан қувват қилишда ҳам шундай йўл тутилган. Утган йилнинг ўзида вилоятимиздаги мингдан ортиқ кўп болали оналар Ватанимиз ва республикамиздаги онг яхши дам олиш йўлида саломатликларини тиклаб қайтилар. Айниқса, Чирчиқ ва Олма-ата шаҳарларидаги кўп фарзандли оналарга яхши эътибор берилаётганлигини таъкидламоқчи эдим. Ҳар ойнинг сўнги яқинба кунда жуда кўплар чирчиқлик ва олмалиқлик серфар-

ШИРИНЗАБОН

Оналарнинг аллосидек мулойим Сўзларини меҳригиде — малҳам бор. Барча дори-дармонлардан афзалроқ Ҳар қалиманг ўзи дардга қилур кор. Инсонларнинг бахт-қиболи кўйида Тер тўқасан барча учун фидокор. Не-не хаста даво толар кўлингдан. Илму меҳринг қабларига мадаркор. Шифо истаб келган ҳар бир дардашнинг Наҳот истаб сenga боқар кўзлар. Элимизда асал даво дейдилар. Даво асли сеннинг асал сўзларинг. Сендек камтар, ширинзабон дилбар. Қани эди шеърлар битгани аломат. Юрагимнинг посбони деб алқаймак. Бахтимга сен дом бўлгин саломат. Миржалол МИРҚУБОВ.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ 80 ЙИЛДАН БЕРИ ИШОНЛАБ КЕЛИНАПТИ

миллион сўмликдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Кейинги икки йил давомида 98 минг хотин-қизнинг иш жойи меҳнат муҳофизат этиш норма ва қондалари талабларига жавоб берадиган тарада ташкил этилди. 6 мингга яқин хотин-қиз туғни сменда ишлашдан озода қилинди.

Шунга қарамай, хотин-қизларимиз ҳаётида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳали оз эмас. Бу муаммоларнинг онг муҳими аёлларни иш билан таъминлашдир. Жумҳуриятимизда бир миллиондан ортиқ аёл ижтимоий фойдала меҳнатга жалб этилмаган. Уларнинг 700 мингга яқини кўп болали оналардир. Бу ҳол айнасида, қишлоқ шартотида яққолроқ сезилмоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётини соғломлаштириш ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Турғунлик, йилларда хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эгалиги, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари ва унумли меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги ҳақида дунёга жар солишди. Лекин тугуруқхоналарнинг қамлиги, болалар ўлимнинг кўплиги, боғча ва ясилларнинг еттишмаслиги ҳақида ҳеч қандай илтимос демасди. Қайта қуриш тўғрисида энди дардимизни бор овоз билан айтаямиш.

Бизга аёлларнинг уй юмушларини енгиллаштирувчи юқори сифатли машиини техника керак. Шаҳарда ҳар ўн оналик еттишмасида ҳолодильник, чангют-ки, кир ювиш машинаси бор. Лекин қишлоқ хонадонлари ноҳор. Ҳамма уй юмушлари аёллар зиммасидадир. Уй

КАТТА ОИЛА БЕКАСИ



БЕМОРЛАРГА ШИФО ТИЛАЙДИ

Бўлиб ўтган тўйнинг таърифи етти маҳаллага таралди. Пахлаводдек уч ўғил — Иброҳим, Ҳасан ва Хусанлар кувейлик сарпосида, бири-бириндан ҳубобином, хушсурут келинлар — Салима, Фотима ва Зухра хоним либосда хонадон остонасига қадам қўйишди. «Тўйлар муборак» кўшигининг жангали садолари остида ешлар ҳовлига кириб келишганида Саодат она кўларидеа севинч ёшлари қалқиди.

Шу дамда у Ҳасан ва Хусаннинг бундан тўрт йил аввал Афғонистонда йигитлик бурчинга ўтаётган даврини эслади. Икки йил фарзандлари йўлга кўз тикиб, тунларни бедор ўтказди. Шунки, улар тўйини ўз кўзи билан кўриб турибди.

Орадан бир йил ўтди. Ма-на бугун Саодат она хонадонидеа яна қўшалоқ тўй. Иброҳим, Ҳасан ва Хусанларнинг фарзандларига бешик келди...

Ҳинда уларнинг уйига бордим. Дам олиш кўзи бўлгани учун оила аъзоларининг барчаси жамулам. Ҳаммаёқ саранжом-сариниш...

Бу йилги сайловларда вилоятимиз хотин-қизларидан тўққиз нафар Узбекистон ССР халқ депутати этиб сайланди. Уларнинг бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Низобон қишлоғида бугун Тоҳирон айдан ҳам бахтли она йўқдек. Тўнғич қизи Холда жумҳурият халқ депутатлигига сайланди, эл-юрт назарига тушди.

Холданинг отаси ҳам, онаси ҳам оддий колхозчи. Уларнинг эски ҳовлилари пахтазор ўрмасида бўлади. Остоналарига чигит экиладди. Қўзда самолётдан сепаган муздек дори ҳовлига чиққан қишнинг юз-қўла-рига ҳам қўниб баданини жуништирадди. Шундай паллада Тоҳирон дарров бола-ларини бағрига олиб, улар бошига соябон бўлади. Она-да, болаларимга дорининг эҳтиёс етмасин дерди.

Шу манзарани Холда яхши эслади. Ўша кезларда у учинчи синфда ўқирди.

байналмилалчи-жангчи экан. Улар имтиёзлардан фойдаланиб туришлариди?

— Ҳасан билан Хусаннинг хизматни тамомлаб, Афғонистондан соғ-саломат қайтишганига уч йил бўлди. Лекин ҳали ҳеч қандай имтиёздан фойдаланишгани йўқ. Қирғайдаги «Ветеран» магазинидан нарсга олиб туриш учун Орқоникидеа но-ляни социал таъминот бўли-мидан қозғб беришганди. Уч-тўрт бориб ҳеч нарсга олишолмади. Кейин шу ду-ғонини ешиб юборишди, чо-ғи. Уй-жой сўраб бир неча марта ноҳия иқтисодиёти комитетига мурожаат этдик. Тай-ёр уй йўқ. Ер берамиз, дейишди. Уч йилдан бери на-вотимизни кутаямиш. Ҳо-зирича жим-жит. Майли, ҳо-влимиз тор бўлса ҳам қўн-лимиз кенг, бир амаллаб яшаб тураверамиз.

Хонадондан қайтар экан-ман, қўнлимдан бехтеър айрим қайнона ва келинлар орасидеги можаролар ўтди. Қанидир барча оналар ҳам Саодат она сингари иззат-қиромда, фарзандлар ва келинлар билан тотувликда яшас. Ана шунда кейинги пайтда қўлаб учраётган

қўйди-чиқдилар қамайган бў-ларди. Ҳозир Саодат она ва Рус-там ана Йўлдошевлар катта оилага бош. Номид, Одил, Исмонд, Иброҳим, Ҳасан-Ху-сан, Гулчехра ҳамда Гулса-ралар оналарини ҳам, ота-ларини ҳам қафларидеа кў-таришади. Келин-куёвлар ҳам бу борада улардан ўр-на олшапти. Бугунги ай-ёмда улар Саодат онани би-ринчилар қатори қўлашга ошимоқдалар.

Р. УСМОНОВА, «Геофизика» посёлқаси.



қўйди-чиқдилар қамайган бў-ларди. Ҳозир Саодат она ва Рус-там ана Йўлдошевлар катта оилага бош. Номид, Одил, Исмонд, Иброҳим, Ҳасан-Ху-сан, Гулчехра ҳамда Гулса-ралар оналарини ҳам, ота-ларини ҳам қафларидеа кў-таришади. Келин-куёвлар ҳам бу борада улардан ўр-на олшапти. Бугунги ай-ёмда улар Саодат онани би-ринчилар қатори қўлашга ошимоқдалар.

ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

БИРИНЧИ ҚАДАМ

қизлар меҳнатини енгиллаш-тириш онг муҳим вазифа деган сўзларни алоҳида ёзиб қўйди. Ўзи колхоз хотин-қизлар кенгаши аъзоси сифатида бу йўналишда маълум ишлар қилган эди. Энди бошлаган ишини жадал да-вом эттириш пайти келди. Унинг тақлифи билан бола-лик аёлларга иш минимуми илгаридек 180 кун эмас, балки 150 кун қилиб бел-гиланяпти. Ишловчи оналар-га ҳар кун бир сот олдн кетишга руҳсат теғди. Дам олиш кунлари эса аниқ бел-гиллаб қўйилди.

қир совун олишапти. Шам-пун, атир совун эса анқо-нини уруғи. Қишлоқнинг ша-ронни маълум, ҳаммаёқ чан-гунти. Кийим-бошларини те-зтез ювиб турмас бўлмади. Бир кучга совун эса урвоқ ҳам бўлмади. Тақсимотда-ги ижтимоий адолатсизлиқни тугатиш керак — Холда дилгига шу ганини тугти бў-лади.

Даволаниш учун касалхо-нага ётиш ҳам бир муаммо. Янгийўл шаҳар касалхонаси Низобон қишлоқ ҳудудида жойлашган, шу колхоз ерига қўрилган. Лекин колхозчи аёлларга хизмат кўрсатма-ди. Низобон қишлоғида эса атиги битта амбулатория бор, унда ҳам врачлар етиш-майди. Тугуруқхонани айт-майсизми? Қишлоқ аёлла-

ри олис йўл босиб Халқобод қишлоғига боришлари керак. У ердаги хизмат ўзингизга маълум, қишлоқчилик-да...

Холданинг ўзи уч фар-занд онаси бўлганлиги учун ҳам аёллар дардини яхши тушунади. Кейинги пайтлар-да қишлоқда рўй бераёт-ган айрим воқеалар унинг қалбини ларзага соляпти. Бригада бошлиғи Нуъмон ақанинг ўғли шу тинч давр-да армияда ҳалок бўлди. Кўп ўтмай қўшин Ваҳром ақанинг сопақ-соғ ўғли ҳам армияда қандайдир дардага чалиниб, қаюб қилганлиги ҳақида шумхабар келди. Унинг кўргониндан ясалган тобутини очишга ҳам қў-йишмади. Она бечора фар-зандининг дийдорини қўра олмади. Яна бир деҳқоннинг

тубутини очишга ҳам қў-йишмади. Она бечора фар-зандининг дийдорини қўра олмади. Яна бир деҳқоннинг



«ХУЖУМ» ҲАРАКАТИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

ҚУЁШГА ЮЗ ОЧГАНЛАР

Бугунги кунда уларни айниқса тўла қиёс қилишди. Гулчехралар деб таърифла-шади. Бирн бирдан гўзал назокатли аёлларимиз учун бу таъриф ўрниди. Лекин кўна тарих учун лаҳзадек бир давр — бундан бор-йў-ғи, 60—85 йил илгари кўна-қўйда хотин-қизларимизнинг очиқ чехраларига дуч келиш фавқуллоҳа воқеа ҳисобла-нардн...

1927 йилнинг 8 март ку-ни Байтўғрон ари усийдек гувилларди. «Эшитдингиз-ми, ҳаёсизлар юзларини оч-шармиш», деган дув-дув гап ҳаммани оёққа тургазди. Ешу-қари қишлоқ марказга томоша кўрган келмаздек ёпирлиди.

Лекин қуёшга юз очишга журъат этган довораклар — Пошук Худойберганова, Фа-роғат Исқонова, Робия Саид-ақимова, она-сингил Тожи-хон ва Меҳри Асомова учун бу асло томоша эмасди. Улар шу йилдан кейинқо-қадирларининг нима ке-чиш имконлигини ҳаёллари-дан ўтказган бўлишлари эҳ-тимолдан узоқ эмас. Узун-қулоқ гаплар, газета хабар-лари, паранжисини ташла-дангиллиги учун қурбон бў-лганлар санокли эмаслигидан далолат беради.

Шундай бўлса ҳам нуқ-лардан, даъватлардан сўнг майдонга ёқилган гулханга қуёшга кишанлар улоқти-рилди. Аввал икки қўл бил-лан беркитилган қўзлар ас-дек чачови гўрларни орқали та-секин атрофга илгариги-эмас, балки очиқ қарай бош-лади.

Паранжисини биринчилар қатори ташлаган Пошук Ху-дойберганова байтўғронлик эиғ фаол аёллардан ҳисоб-ланади. У дугоналарини эр-кин ҳаётга ташвиқот қилиш учун куч-ғайратини ямасади. 1929 йилда қишлоқда даст-лабки жамоа хўжалиғи — «Қишлоқ куч» артели ташкил этилганда ҳам Пошук унинг фаол аъзоларидан бўлди. Кўп ўтмай у пахтачилик зе-носига етакчилик қила бош-лади. 1939 йилда 35 гектар ерининг ҳар гектаридан 26 центнердан эркак кўтарган фидойи аёл Москвада бўлиб ўтган илғор колхозчилар-нинг II Вутуниттфоқ съези-да иштирок этди. У кол-хоз праленеси раисининг муовини, уруш йилларида бригада бошлиғи бўлиб иш-лади.

Байтўғронда ҳар йили 8 Март байрам қилинганда аёллар хотин-қизлар озо-длин йўлида фидойи бўлган оналари ва бунларини хо-тирлашади, улар номларини фахр ва гўрур билан тилга олишади. Дугоналар ораси-да биринчилардан бўлган бу онахонлар эъзозга муносо-б-дир.

Ҳайрулла ИНОҒОМОВ, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ТИЛИМИЗНИ БОЙТАЙЛИК

ҲАММА нарсанинг мезони — вақт деб, бежиз айтишмайди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинганига унча кўп бўлмаган йўқ. Бироқ шу даврнинг ўзини халқимизнинг ўз тилига нақадар меҳрин эътиборини, иштирокчиларнинг яққол кўрсатди. Матбуот воситалари — газета ва журналларнинг, радио ва телевиденининг, Ўзбекистон ахборот вақолатхонасининг «тили» сезиларли даражада ўзгарди. «Жумхурият», «Видеот», «Ихтило», «Иқтилод», «Машарат», «Ноазрлар кенгаши», «Мураққа» сингари ўнлаб, юзлаб унутилган сўзлар тез қувдаёқ истеъмолга кириб, ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Қонун қабул қилинган, баъзи бир тилшунос олимлар, айри рақбар ўртоқлар юқоридаги каби сўзларни «эскина» чиқариб, уларни халқ қабул қил

лармикни, деган маънода хавотирланишган эди. Зудлик билан бораётган ўзбек тилидаги ўзгаришлар бу шубҳаларнинг асосиз эканлигини кўрсатди.

«Тилимизни бойтайлик» мавзусига бағишланган дастлабки мақолада биз қатор сўзлар, атамалар, ибораларни тавсия этиб, улардан истаган кишилар фойдаланиши мумкинлигини айтган эдик. Бир хил маънодаги сўзларнинг турли шакллари тилимизни бойитиш лозимлигини ҳам таъкидлаган эдик. Аммо, биз, албатта, шу сўз ва атамаларни иллатиш керак, деган мажбурийликдан мутлақо йироқда эдик. Ҳозир ҳам шу фикрдамыз.

Қуйида биз яна бир туркум сўзларни келтирмоқдамиз. Шояд улар ҳам ҳар биримизнинг тилимизни бойитишга ёрдам берса...

Ассоциация — бирлашиш
Аргумент — далил
Аскет — зоҳид
Аномалия — нотекислик

Автограф — дастхат
Актив — фаол
Адаптация — мослашмоқ
Абсолют — мутлақ

Абстракция — маъхумлаштириш
Авторитет — обрў; нуфуз
Анализ — таҳлил

Вулгар — сохта; қўпол
Взнос — бадал
Врач — табиб; ҳақим
Гражданин — фуқаро

Депрессия — тушқунлик
Дефект — нуқсон
Дефицит — қамомат; тақчиллик
Идеал — тасаввур; тушунча
Идеология — мафкура
Индивидуум — шахс
Календарь — тақвим
Пенсия — нафақа
Процесс — жараён
Рак — қисқичбақа; саратон касали
Регион — минтақа
Репрессия — қатагон
Термин — ибора
Экономика — иқтисодиёт



• Наврўз олдидан

КАТТАБОҒДА СУМАЛАК

НАВРЎЗ бу йил ўлкамизга ўзгача бир тароват ва фойз билан кираётган келмоқда. Халқимизнинг 70 йил давомида биринчи марта расман тан олинган бу байрамнинг ўтган кунини пойтахтимиздаги Октябрь ноҳиясининг «Каттабоғ» маҳалласидан бошлаб беришимиз. Бу ерда халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган сумалак сайли бўлиб ўтди. «Наврўз бойчечаси» деб аталган бу шодиёна ҳамма-ҳаммага ўзгача завқ-шавқ бахш этди. Унда айниқса маҳалланинг нуруний онахонлари, фаол қатнашдилар. Каттабоғлик аёлларни баҳор айёми билан муборакбод эттишга турли ташиқлотлардан, радио ва телевидение ҳамда оқил ўғул юрталардан мехмонлар таширф буюришди. А. Навоий номида маданият уйи хаваскорлари ўзларининг миллий куй ва қўшиқлари билан кечга алоҳида хурсандчилик бахш этдилар.

Байрамга таширф буюрган Тошкент давлат дорилфунунининг доценти, тарих фанлари номзоиди Мушарраф Қосимова Наврўзнинг кўна тарихи ҳақида, шунингдек халқимизнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари тўғрисида сўзлаб берди. У маҳалла аҳлига одамийлик, меҳр-оқибат доимий бўлиб қолсин дея истак билдириди. Шунингдек, таъкидли кинорежиссёр Малик Қасимов, Ўзбекистон ССР маданият ходимлари қасаба уюшмалари раиси Мухайё Улагановлар ҳам иштирокчиларни байрам билан қутладилар. Сумалак байрамининг яна бир меҳмони, шонора Мухтарам Улугова ўзининг баҳорга, аёлларга, гўзалликка бағишланган лирик шеърларидан ўқиб берди.

Қувонч даврасида Октябрь ноҳияси маҳалла қўмиталари уюшмаси раиси Эдгор Обидов сўз олди. У маҳалладошларни ушбу анжуман билан самимий табриқлар экан, бундан кейин ҳам бундай қадимий анъаналарни тиклаш йўлида қилинадиган ишлар тўғрисида режаларини айтди. Байрамни бундай серфайз ва мазмунли ўтказишда маҳалла кўмитасининг фаоллари, табаруқ отахон Раҳим Халилов, Мансур Пулатовлар ўз оила аъзолари билан, маҳалла хотин-қизлар уюшмаси раиси Раъно Бадалова, кўп болали онахонлар Ҳадида Музаффарова, Карима Қомиловалар алоҳида ташиқлотчилик кўрсатдилар. Байрам сўғишда Раҳим ота Халилов барча мехмонлар номидан уларга миннатдорчилик билдириди ва барчани 21 март кунини бўладиган катта сўғишга тақлиф этди.

С. ЖУРАЕВА.

ДАРСЛАР РИМДА ЎТАДИ

Тошкентдаги етти мактабнинг 35 нафар юқори синф ўқувчиси Италияга жўнаб кетди. Улар бир ҳафта мобайнида Римдаги ўз тенгдошларининг оналарида яшайдилар, улар билан бирга лицейдаги машғулотларга қатнайдилар.

Сафар валютасиз асосда айирбошлаш тартибидан уюштирилди. — дейди Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети маориф бўлимининг инструктори С. Максимов. — Инглиз ёки италия тилини билиш, мактаб жамоат турмушида фаол иштирок этиш бу сафарга бориш даъвогарлари олдида қўйилган асосий талаблардан бири бўлди.

Март ойида эса Ўзбекистон Тошкентдан мактаб ўқувчилари борган Римдаги лицейдан келган болаларни қабул қилади. Еш италияликлар ҳам ўз тенгдошларининг оналарида яшай, бизнинг мактабларимиздаги машғулотларга қатнашади.

(ЎзТАГ муҳбири).

«Тошкент ҳақиқатининг навбатдаги сони 10 мартда чиқади».

Муҳаррир — Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қорйқубов номида Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДА СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОВИДА
12 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ОЛМАХОН ҲАЙИТОВНИНГ

35 йиллик ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА
БАҒИШЛАНГАН

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Программада Хоразм халқ ҳофизлари ва хонадалари,
«Лази» вокал-хореографик ансамбли, Хоразм филармониясининг солистлари иштирок этидилар.
Программани Ўтқир СИДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДА СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОВИДА
13, 14 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«ҚАЛДИРҒОЧ ҚАНОТИДА КЕЛГАН ОВОЗЛАР»

ҚЎШИҚ ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:
Шу йилги ўтказилган барча юктуруларнинг бўлажак иштирокчилари — истеъод соҳиблари

Одил ҚАРИМОВ, Ниёз УМАРОВ,
Саломат ИБРАГИМОВА ва Мирсад ИСҲОҚОВлар.
Сиз учун ўзларининг сева-мухаббат, саҳоват, муруват, гўзаллик ҳақидаги қўшиқларини бахшида этадилар.

Сизларнинг қалб тўригиздан ўрин олган нодир сўз усталари...

Республика аскиячи ва қизиқчилар конкурсининг бир неча бор галиби, машҳур сўз устаси Мухиддин ДАРВЕШОВ

ПРОГРАММАНИ интермедия ва тақдидлар билан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомол муқофотининг лауреатлари Гулчехра ва Лутфулла САДУЛЛАЕВЛАР олиб борадилар.
КЕЧАДАН ТУШГАН МАВЛАБ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИГА ЎТНАЗИЛАДИ.

Қўпчилик бўлиб келиш учун бюртмалар қабул қилинади.

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ

МАРТ ОИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ ВА НОҲИЯЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«КАТТА УРУШДАГИ КИЧКИНА ОДАМ»

Сценарий муаллифи ва режиссёр — Ш. АББАСОВ.
Ролларда: М. РАХИМОВ, М. АЛИМОВА, Д. БОЗОРОВА, Ф. МИРЗАЕВ, Ш. АБДУСАЛОМОВ, Т. ЖУМАНҚУЛОВ ва бошқалар.
Уруш боради. Зийрак, шонора қалб эгаси бўлган Сафо исми бола яхшилик ва ёмонлик билан тўқнашиб келади ва ўзини одамлар ва воқеалар асл моҳиятини билиб олишда янги олам очади.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНING МАҲСУЛОТИ.

«СУЛТОН БЕЙБАРС»



Фильм Морис Семашконинг «Емшан» повести асосида суратга олинган.
Сценарий муаллифлари — Булат МАНСУРОВ, Морис СЕМАШКО.

Ролларда: Н. ЖАНТУРНИН, Д. БЕИСНОВ, Ф. ОМОНҚУЛОВ, Т. ПЛОТНИКОВА, Д. ХМЕЛЬНИЦКИЙ, А. ЖАЛЛИЕВ ва бошқалар.

Бу — XIII асрнинг иккинчи ярмида рўй берган воқеалар ҳақидаги тарихий фильм бўлиб, унда хонсор-қулликдан то одамлар устидан чекланмаган ҳукмронликкача бўлган йўлни босиб ўтган Мамлюк султони Бейбарс ҳақида қўзқоқиланади.

«ҚОЗҚОҚИЛЬМ» СТУДИЯСИНING «ЭЪЛА-ЛАМИЯ» (Миср) КИНОСТУДИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ МАҲСУЛОТИ.

Театр

8/III да Отасининг қизи (12, 16, 19.00), 9/III да Майсаранинг иши, Драма антрлари куйляди, Фармонбин араллади (17.00, билетлар сотилган), 10/III да Майсаранинг эшиги, 9/III да А. Қодирийнинг утган нуқлари, 10/III да Юдузун тунлар, 11/III да Зебунисо.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —

Газетанинг янги сони «МАЛИКА» — ЎЗБЕК ТИЛИДА

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп нуқсали «Малика» газетаси ўзбек тилида ўз муштарилари қўлига бориб тегди.

Ишчиликнинг 87 фондини ўзбек миллати ва

киллари ташкил этади, дейди бирлашма парткомитети котиби Г. А. Григорьев. — Лекин, шунга қарамай ҳанузгача ўзбек тилида газета нашр этилмади. Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, бу ноҳақлик



барҳам топди. Ленинграддан ливотип, ҳарф куйиш машиналарини сотиб олдик. Ўзбекча редакция очдик. Газетанинг дастлабки сони сайлов кампаниясига бағишланди. Унда бирлашма меҳнат коллективни томонидан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг сайловдаги ҳаракат дастури баён этилди, газета режалари билан таништирилди. Газета бундан буён ҳар ойда 4 марта рус ва ўзбек тилларида чиқиб туради.

У. МАНСУРОВА.

ДҲКОН ИЖАРАДА ИШЛАЯПТИ

ДАВРИМИЗ халқ ҳўна-лиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига янгича муносабатнинг зарурлигини тобора аниқроқ кўрсатаётти. Бунинг учун кўплаб усуллар, турли йўллар тақлиф қилинаёпти. Ижара пудратини ҳам мана шундай усуллар сирасти киритсак бўлади. Меҳнатга муносабатнинг бу кўриниши ишлаб чиқаришда ҳам, элнинг моддий аҳволини яхшилашда ҳам ижобий ўзгаришлар қила олиши мумкин.

Газалкент шаҳридаги «Пой-абвал» дўконининг мана шу усулда ишлаб бошлаганига яқинда бир йил тўлади. Савдо ходимлари Тур-субой Бардинов рафиаси Саломат Бардинова билан унинг 1989 йилнинг 1 апрелида ижарага олишганда, Ижарачилар ишни тартиб

ўрнатмоқ ва харидорларнинг эҳтиёжларини ўрғанишдан бошлашди. Дўкон кенгайтирилди. Натима ёмон бўлмади. Ойлик ва квартал режаларини ортини билан бажарилди. Шунинг ҳисобига сотувчиларнинг маошлари икки баробар ортиди. Ҳозир дўконда 5 нафар сотувчи ва бир фаррош меҳнат қилади. Сотувчиларнинг ўртача ойлик маоши 400—450 сўм, фаррошники эса 120 сўмдир.

Биз «Ҳамма яхши нарсалар — болалар учун» шioriини амалда бажаришга ҳаракат қилаётимиз, — дейди ижарачиларнинг бошлиғи Т. Бардинов. — Болалар оёқ кийимининг турларини бутун чоралар билан кўпайтиришимиз. Шаҳримиздаги 9-Буратино болалар богчасининг оталиққа олганмиз. Ҳар ойда ойлик мао-

шмиздан 30 сўм миқдоридан богчага ажратамиз. Богча маъмурияти бу пулга кичик-китойлар учун ўйинчоқлар сотиб олиб бераёпти. Бундан ташқари сотувчилар ойлик маошларининг 10 фондини захира учун қолдиришди. Бу жағғармадан ўн учинчи маош сифатида фойдаланилади ёки меҳнат отпускасига чиқаётганда муқофот пули сифатида қўшиб берилади. Ҳамиша харидорлар билан гавжум бўладиган дўкон танаффус ва дам олиш кунларисиз ишлайди. Ижарачилар ўтган йилнинг 9 ойида аҳолига 800 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатишга эришилди.

Сотувчилар Дилмира Гадоева, Насиба Қаримбедиева, Толиқон Бардинов харидорлар билан ширин муомалада бўлишга, савдо қондаларини бузмасликка ҳаракат қилишаёпти.

И. ПИРМАТОВ.

Суратда: ижарачилар бошлиғи Т. Бардинов болаларга ўйинчоқлар ҳадя этияпти.

И. МОСКАЛЕНКО суратга туширган.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БУХАРЕСТДА ОММАВИЙ МИТИНГ

БУХАРЕСТ, 5 март. (ТАСС). Руминия пойтахтининг марказий майдонларидан бири икки ҳафталик танаффусдан сўнг яна меҳнаткашларнинг оммавий намойишлар ўтказиладиган ерига айланди. Ҳукумат Биноси олдида Бухарест ишчилари ва шаҳарга яқин районларнинг қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари митингга тўпландилар.

Намоийшчилар коммунист-рақбарларга ва «Секуритате» ходимларига қарши қаратилган шiorларни қайта-қайта айтишди. Уларнинг фикрига кўра, бу коммунист-рақбарлар ва «Секуритате» ходимлари ҳалл хал рақбар лавозимларини эгаллаб туришибди, демократияга қарши яширин фаолият олиб боришмоқда.

АНЖУМАН ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ

● БУДАПЕШТ. Бу ерда «Шарқий Европа ҳамкорлиги — Европа интеграцияси» мавзусидаги анжуман ўз ишини тугатди. Унда Болгария, Чехословакия, ГДР, Польша, Руминия ва Венгрия шўбсий ташиқлотларининг вакиллари қатнашдилар. Венгрия озод демократлар иттифоқи ташаббуси билан уюштирилган конференция қатнашчилари регионнинг шўбсий ривожланиш масалаларини, бўлажак Европа асно-

● БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина ҳукумати мамлакат молиявий-иқтисодий аҳволини рақбарлаштиришга қаратилган янги тадбирлар мажмуасини эълон қилди. Иқтисодиёт министри Антонио Эрман Гонсалес Аргентинанинг тушиб қолган ҳолатини ақалокатли

ТАДЕУШ МАЗОВЕЦКИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● ВАРШАВА. Польша унинг ғарбий чегараларига доир ҳеч қандай музокаралар ўтказмайди; мамлакатнинг бирон чегараси ҳусусида мунозара қилиниши мумкин эмас, деди Польша республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси Тадеуш Мазовецкий Ғарбий Германияда чиқадиган «Вельт» газетаси муҳбири билан сўхбатда.

Польша ҳукуматининг бошлиғи мамлакатнинг Германия билан шўбсий хавотирландим, деган саволга жавоб бериб, Польша бундай бирлашишдан хавотирга тушмайди, агар ана шу бирлашиш жараёни, у умид қилаётганидек,

ЯНГИ ТАДБИРЛАР МАЖМУАСИ

ҳолат» деб таърифлади. Пулнинг қадрсизланиши тобора кучайиб кетаётганига ва бюджет қамоматининг ниҳоятда қатталиғи мамлакат олдида турган катта муаммолардир. Навбатдаги расмий планда миллий бюджетнинг барча моддалари бўйича тежамкорлик йўли билан

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ (ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА) БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32. Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БУЛИМЛАР: Идеология — 325778; агроноат — 325647; санат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; мала-ният — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.